

Сиз
НЕГА БОЙ БЎЛИШДАН
ҚОЧАСИЗ?

ёки

Сизнинг пул топиш дастурингиз

- ✓ **Пул камлигининг асосий сабаби**
- ✓ **Катта даромад манбаи**
- ✓ **Пул Тўсиқларини олиб ташлаш**



BUSINESS CLASS
Maruf Madiyarov



Сиз нега бой бўлишдан қочасиз? ёки

Сизнинг пул топиш дастурингиз

Китобнинг сарлавҳаси сизни хайрон қолдиргандир - *Қандай қилиб мен бой бўлишдан қочар эканман* деб? Ҳа, жуда кўп одам ўзи билмаган ҳолда кўп пул ва бой бўлишдан "қочади", бу нарсани кўпчилик билмайди, лекин билмаслиги бу ҳақиқатдан уни асраб қололмайди. Муваффақият ва кўп пул топа олмасликнинг асл сабаби - бу уларнинг **ички қарашларидандир**, ва бу нарсага авваламбор инсоннинг ўзи сабабчи бўлади. Бу китобни ўқиб, бу билимларни ўрганиб олишингиз сизга ҳозирги пайтда ҳаводек зарур, чунки ҳамма эришмоқчи бўлган орзу ва ниятларингиз шунга асосланади. Тайёр бўлсангиз, бошладик.



Техника асри - ҳаммамизнинг қўлимизда телефон, планшет ёки компьютер бор. Ишка ва бошқа жойларга бориб келиш учун машиналардан фойдаланамиз. Завод, фабрикаларда ҳам бошқа турдаги техника воситалари ишлатилади. Нима бўлишидан қатъий назар, бу техника воситаларининг умумий бир хусусияти бор - улар қандайдир вазифа ёки вазифалар бажаришга мўлжалланган. Яъни уларни яратган инженерлар уларнинг **Дастурини** тузганлар. Бу механизмлар худди шу дастур ёки схема бўйича ишлайди.

Масалан, ҳозирги пайтда қўлингизда турган смартфон, планшет ёки компьютернинг ичида микросхемалар бор, аппаратингиз ўша схемалар қандай тузилган бўлса, худди шундай ишлайди, бошқа вазифаларга ўтиб кета олмайди.



Яна айтиб ўтиш керакки, уларнинг ташқи ва ички қисмлари бор. Ташқи кўриниши пластмас бўлиб чиройли кўринишга эга. Ички қисми эса алла қандайдир плата ва электрон қисмлардан иборат... Айтингчи, бу телефон ёки компьютернинг қайси қисми мухимроқ: ичкими ёки ташқими? Албатта ички қисми мухимроқ, чунки ичи ишламаса қобиғи кимга ҳам керак, тўғрими?

– *Хўп, буни ҳамма билади, индан кейинчи? ;)*

Инсон ҳам худди шундай тизимга эга. Яъни **ташқи кўриниши ва қилган ишларининг бутунлай ҳаммаси ички дастур ва тизимларга боғлиқ!** Ҳаттоки, ички дастурининг махсули десак тўғрироқ бўлади.



Яъни, инсоннинг ички ва ташқи қоидалари мавжуд. Масалан, ташқи қоидаларга нималар киради: бизнесни бошқариш, пулни бошқариш билимлари, реклама, маркетинг қоидалари ва ҳоказо. Бу билим ва қоидалар албатта жуда муҳим, лекин ички қоидалар ҳам муҳимлиги бўйича булардан кам эмас. Демак **муваффақиятли бўлиш учун аввал ички "Дастурингизни" шунга мос қилиб тўғрилаб олиш керак экан.** Бунинг учун, китобни ўқишни давом эттиринг, китобнинг охирида ҳаётингизни ўзгартирадиган машқ бор.

Хўш, сиз қандай инсонсиз? Фикрларингиз қандай? Ишончларингиз қандай? Одатларингиз қандай? Ўзингизни кўп пул топишга арзийман деб биласизми? ўзингизга ишонасизми? Нималардан кўрқасиз, ҳавотирдасиз? Қўрқувларингизни енга оласизми? Қайфиятингизга қарамасдан иш тута



оласизми? Бу саволлар миллион долларли саволлар. Демак, характерингиз, ишончларингиз, ўз ҳақингиздаги тасаввурингиз ўта муҳимдир! Айнан шу нарсалар сизнинг ҳар соҳадаги муваффақиятингизни белгилайди.

Катта пулга эришиб, уни тез орада йўқотганларни эшитганмисиз? *Ташқи кўринишдан омадсизлик ёки бошқа сабабларга ўхшаб туйилсада, аслида бунинг сабаби - бундай одамлар ички томондан катта пулга тайёр бўлмаганлигидан бўлади, -* деб айтади Америкали миллионер Харв Экер - *Чунки кўпчиликнинг, кўп пул топиш учун у билан бирга келувчи муаммоларга бардош берадиган даражада етарли сиғими йўқ.*

Инглиз олимлари шуни аниқлашганки, агар дунё бўйича пул ҳаммага тенг бўлиб берилса, икки йилга



бормай ҳолат эскисидай бўларкан, яъни аввалгидек, бойлар бой, камбағаллар эса камбағал бўлиб қоларкан.

Энг қизиғи, бунинг тескариси ҳам тўғри бўлиб чиқади, яъни бадавлат одамлар вақтинчали омадсизликка учрасалар ҳам, улар яна жуда тез бой бўлиб олишади. Бунинг яққол мисоли ҳаммага машхур Доналд Трамп. У бир пайтлар кўп пул йўқотиб, ҳатто миллионлаб доллар қарз бўлиб қолган эди, аммо ички қудрати уни кўп вақт бундай ҳолатда ушлаб турмади. У тез орада яна миллионер бўлиб кетди.

Сизнинг пул паталогингиз борми? деган китобимизда қандай қилиб пул паталогини кўтариб олиш мумкинлигини кўриб чиққан эдик (бу китобни ҳам каналимиздан бепул юклаб олишингиз мумкин).



Аммо бу нарса сизнинг ички дастурингизнинг бир қисмигина ҳалос. Ундан бошқа яна кўплаб ишонч ва қарашлар бор.

Бу Ички Дастур қаердан келган?

Дунёга келган кунимизданоқ биз атрофимиздагиларга қараб, уларни ким ва нима эканлигини аниқлашга ҳаракат қиламиз. Шу кундан бошлаб бизнинг жажжи онгимизда турли ҳил фикр, ишонч ва қарашлар пайдо бўлади.

Балоғат ёшига етгунча, биз жуда кўп нарсани "сўриб" олиш қудратига эга бўламиз: буюмларнинг шакл ва формалари, ранг ажратиш, санаш, гапириш, эшитиш, тушуниш, фикр ва тафаккур қилиш ва ҳк.



Айнан ана шу давр мобайнида, одамзот кўпчилик ишонч ва қоидаларни ўзига дастур қилиб олади ва ушбу дастур унинг ҳаётида ўта мухим рол ўйнайди. Бизнинг жуда кўп асосий ишончларимиз шу давр, яъни болалик даврида юзага келган. Балоғат ёшига етганимиздан кейин ҳам дастурлаш давом этади, ва бу жараён ҳозирги сониягача ҳам тўхтагани йўқ.

Ички Дастур қандай йўллар билан пайдо бўлади?

1. Атрофимиздаги одамлардан **эшитиш орқали**.

Яъни масалан, ота-онамиз, ака-ука, опасингилларимиз, дўстларимиз, оғаниларимиз, қариндошларимиз, танишларимиз, ва бошқа одамларнинг бизга айтган гаплари, қоидалари, тушунчалари, мақоллар, воқеалар, эртаклар, ва кўплаб бошқа нарсалардан келиб чиқади.



Албатта, уларнинг кўп қисми бизга фойдали, аммо орасида янглиш бўлган, бизга зарар келтириб қўядиганлари ҳам бор. Мисол таъриқасида мана бундай гапларни эшитганмисиз: *пул барча ёмонликларнинг боши, бой одамлар ёмон, пулингни қора кунга олиб қўй, кўп пул топиш жуда қийин, бахт пулда эмас, биз камбағаллармиз, нима қилсак ҳам бой бўла олмаймиз, ҳамма ҳам бой бўла олмайди, ҳеч қачон пулга тўймайсан, бизнинг қурбимиз етмайди, биз кичкина одаммиз, сен ҳеч ким эмассан ...* буларнинг ҳаммаси зарарли чегараловчи ишончлар.

Бироқ бу нарсаларни сизга айтган одамларни айбдор қилишга шошилманг. Чунки уларнинг нияти сизга ёрдам бериш бўлган ва ўша пайт уларнинг энг сўнгги маълумоти шу бўлган.



Ҳаммамиз ҳам хато қиламиз ва хато қилиш бизни ундан ҳам баланд чўққиларга эришишимизга ёрдам беради. *Мисол сифатида бир воқеани айтиб бермоқчиман.*

*Тренингимизга келган бир инсон муваффақиятга эришиш учун жуда кўп ҳаракат қилган экан. У қандай бизнес юрғизиш бўйича бизнес тренингларда қатнашиб, реклама ва маркетингни ҳам ўрганиб, шаҳардаги жуда кўп машғулотларда қатнашган. У кўп пул топиш бўйича ташқи билимларнинг ҳаммасини билар эди, лекин **ички дастури уни бунга йўл қўймас эди.** Кейин билсак, унинг атрофидаги одамлардан эшитган баъзи нотўғри ишончлар уни кўп пул топишга йўл қўймаятган экан. Ана шу ишончлар ва қўрқувларни йўқ қилганидан кейин*



у инсоннинг ишлари юришиб кетди.

2. Атрофимиздаги **одамларнинг ҳаётини**

ўзимизга кўчиришимиздан. Туғулганимизда

онгимиз топ тоза бўлади, нол даражада, ва

биринчи бўлиб биз ота-онамизнинг ишонч ва

қарашларини ўзимизга кўчириб оламиз. Кейин

эса қариндошларимиз, дўстларимиз ва бирга

бўлган инсонлардан оламиз. Шунинг учун

оилавий ҳолатингизни эслаб аниқлаб олиш

зарур: сизнинг оилангизда пулга қандай

қаралади? Пул топиш қийин бўлганми йўқми?

Пул ёқимли нарсами ё можароларнинг

сабабими? Пул тежалармиди ёки ишлатиб

юборилармиди? Шу ва бошқа оилавий ишонч ва

ҳолатларни ўйлаб кўринг. Ундан кейин эса

атроф муҳитдаги инсонлар, яъни дўстлар, бирга

ишловчилар, синфдошлар, тенгдошлар, ва



ҳк.лардан сиз ўзингизга кўчириб олган пулга алоқадор ишонч ва қоидаларни эслаб кўринг. Жуда кўп одамлар ўзи билмаган ҳолатда ота ёки онасининг пул дастурини ичида олиб юради. Шунинг учун улар шунинг натижасини кўраверадилар.

Демак яна бир қоида, **сиз қанча кўп пул топиш хунар ва асбоб-ускуналарига эга бўлманг, агар ички дастурингиз кўп пул топишга йўналтирилган бўлмаса, буларнинг ҳаммаси фойдасиз.**



Қуйидаги **Муваффақият Формуласини** билиб олинг:

И → Ф → Т → Ҳ → Н

Ишончдан Фикрлаш келиб чиқади, Фикрлашдан Туйғулар, Туйғулардан Ҳаракат, Ҳаракатдан Натижа келиб чиқади. Демак биринчи ўринда **ишонч ва фикрлаш** турибди! Нимага ишонишингиз ва қандай фикрлашингизга энг катта ахамият беринг. Нимага ахамият берсангиз шу нарса катталашади.

Хўш, бу ички дастуримиз бизнинг қаеримизда жойлашган экан? - деган савол жуда ўринли. Ушбу дастуримиз бизнинг онг остимизда жойлашган бўлиб, у жуда катта қудратга эга.



Онг ости нима?

Маълумки, бизнинг онгимиз 2 катта қисмдан иборат:

Мантиқий онг ва Онг ости.

Мантиқий онг - бу ҳар куни биз билиб туриб ишлатяган онгимиз. Яъни масалан санаш, режа тузиш, фикрлаш ва хк. бўлиб, ҳозирги пайтдаги бизнинг ҳоҳишимизга бўйсунадиган онгимиз.

Онг ости - жараёнларнинг 95%ини бошқарувчи автоматик тарзда ишлайдиган қисм. Мисол учун овқатни еганингизда ҳазм қилиш, юрак уруши, нафас олиш ва шунга ўхшаш ҳаракатларни бошқарувчи бўлим. Шу билан бирга онг ости ишончлар, эмоциялар, қоидалар, хавфлардан химоя, ва бошқаларни бошқарувчи буюк онг ҳисобланади.



Шуни айтиб ўтиш керакки, онгимизни денгизда сузиб юрган музлик деб тасаввур қилсак, мантиқий онгимиз унинг устки қисми бўлса, **онг остимиз айсбергнинг остки қисми, яъни кўзга кўринмайдиган бахайбат бир қисми десак бўлади. Ё Ал-Хазар!**



Демак, айнан ана шу бўлим, яъни онг остимиз билан ишлаш биз учун энг мухим нарса экан! Онг остимиз ҳаётимизнинг **95дан кўп** фоизини бошқаради. Агар биз, масалан, бир нарсага эришмоқчи бўлсак, мантиқий онгимиз билан ўйлаб, режа тузиб, ҳисоб-



китобини қилсак ҳам, онг остимиздаги ишонч ва қоидаларга тўғри келсагина амалга ошира оламиз.

Мисол учун, бир одам ҳар куни эрталаб югуришни мақсад қилса, у *эрталаб бўлиши билан тураман-да кийиниб кўчага югуришга чиқиб кетаман* деб ётади. Аммо эрталаб будилник чалиши билан кўзини очмай уни ўчиради ва ухлашни давом эттиради. Бу унинг мақсадининг онг остидаги қоидаларга тўғри келмаганининг яққол мисоли.

Донолар айтган экан: *Онг ости жуда яхши хизматкор, лекин жуда ёмон хўжайин*, - деб. Бу дегани агар сиз унга қуллик қилиб, ҳар айтганини бажарсангиз, онг остингиз ҳаётингизни остин-устин қилиб юборади. Ва аксинча, агар уни бошқаришни ўргансангиз ҳаётда жуда бахтли ва муваффақиятли яшайсиз.



Энди эса мавзумизнинг энг мухим қисмига келдик, яъни, ушбу онг остимиздаги дастуримизнинг ичида бизга айнан нима халақит беряпти? Бизни нима тўхтатиб турибди мақсадларимиздан? Жавоб: ички **Психологик Тўсиқлар**. Айнан шулар бизга йўл бермай, орзу ва мақсадларимизга қадам ташлашимизга тўғаноқ бўлиб, ушлаб турибди.

Ички Дастуримиздаги Тўсиқлар нималардан иборат?

Улар қуйидагилардан иборат:

- 1.Чекловчи Ишончлар/қоидалар:** юқорида келтирилган хатоли ишончлар, масалан: *бой одамлар ёмон, пулингни қора кунга олиб қўй, кўп пул топиш жуда қийин, бахт пулда эмас, ва хқ.* Буларнинг хили жуда кўп ва сон саноғи



чексиз, улар хар бир одамда ўзига хос кўринишга эга. Шунингдек, қуйидагилар ҳам чекловчи ишончлар билан боғлиқ ёки улардан келиб чиқади.

2.Қўрқувлар: аслида сизни бирон бир исталмаган, хавфли ҳодиса ёки нарсадан химоя қилиш учун бор. Лекин кўп ҳолатларда нотўғри, янглиш бўлиб чиқади. Унинг вазифаси нима бўлганда ҳам сизни химоя қилиш, агар қўрқувингизга бутунлай берилсангиз сизни ялқов ёки қимирламайдиган қилиб қўяди. Энг зўр тактика - унга қаршилиқ қилмаслик, ичингизда у билан курашмаслик.

3.Идеализациялар: Ҳаётимиз кўп қирралардан иборат. Мисол учун молиявий, соғлиқ-саломатлик, рухият, дам олиш, билим олиш ва



бошқа соҳалар мавжуд. Агар бирон бир ҳаёт соҳангизни бошқаларидан устун қўйсангиз, ва бунга кўп вақт ва қувват сарфласангиз, бошқа томонларингиз заифлашади, кучсизлашади, ва натижада сиз муҳим деб билган натижангизга ҳам эриша олмаслигингиз мумкин. Бирон бир нарсани бошқасига нисбатан устун деб билиш идеализация деб аталади. Масалан, бир одам ишлаб пул топишни ҳамма нарсадан устун қўйса, ва бунга бор кучу вақтини кетказса, натижада бошқа соҳалардан қуруғ қолади. Яъни соғлиги, саломатлиги, оиласи, рухияти ва бошқа соҳалар хавф остида қолади, ва у шунинг сабаби билан муваффақиятига эриша олмай қолади. Шунинг учун ҳаётмиздаги ҳар соҳага тенг аҳамият бериш керак, ва ҳамма соҳада яшашга улгуриш керак. Тушунарли бўлди деб умид қиламан.



Ўзингининг тўсиқларингини қандай топсангин бўлади?

Айтиб ўтганимиздек, тўсиқларнинг минглаб хили мавжуд бўлиб, ҳар бир одамда ўзига хос бўлади. Демак, уларнинг ҳаммасини ҳам топишга ҳожат йўқ, иложи ҳам йўқ, уни устига уларнинг ҳаммаси ҳам сиз учун зарарли эмас, балки фойдалилари ҳам бордур. **ЛЕКИН** сизнинг ҳаётингини ушлаб турган, сизга энг катта тўғаноқ бўлиб турган ва муваффақиятингиздан тўсиб турганларини аниқлашимиз мумкин ва керак. Айниқса, ҳозирги пайтда энг долзарб бўлиб турган муаммоларга сабаб бўлаётганларини аниқлашимиз зарур.

Бунинг учун сиз мана бу машқимизни бажаринг, бу машқ сизнинг ҳаётингизда катта ўзгаришга сабаб бўлади. Шунинг учун унга катта аҳамият ва



эътиборингизни қаратинг. Уни бажаришдан олдин, ҳеч ким халақит бермайдиган жойга бориб олишни унутманг.

Тўсиқларингизни топиш Машқи - кичик Медитация

1. Ҳеч ким йўқ жойга кириш. Ўзингизга қулай жойга ўтириш ёки ётиб олиш. Чуқур нафас олиб, ҳамма мушакларингизни бўшаштириш. Бошингиз, оғзингиз, елкангиз, кўксингиз, қорнингиз, қўл ва оёқларингизни бирин-кетин бўш қўйиш. Эндиликда Сиз нол даражадаги тинч ва хотиржам ҳолатдасиз.
2. Ҳозирги пайтда сиз учун энг муҳим бўлган, энг катта мақсадингиз қайси? Эсланг ва нимага эришмоқчи бўлгангизни кўз олдингизга келтириш. Нимага қараб ҳаракат



қиятганингизни ўйланг.

3.Энди эса ўйланг, шу мақсадингизга тўғаноқ бўлган нарса ёки нарсалар нима? Нималар сизга йўл бермаяпти? Нималар сизни қийнамоқда? Нима муаммолар бор? Қандай ишонч ёки қарашларингиз сизга тўсиқ бўляпти? Балки кимnidир гапларидир, балки қўрқувлар бордур? Хавотир ёки етишмовчиликлар бордур? Ана шу саволларни ўзингизга беришингиз биланоқ ичингиздаги тўсиқлар юзага чиқади. Уларни аниқлаб олинг. Ва энг кераги, бу билан алоқадор ёмон хиссиётлар ҳам пайдо бўлади. Уларга эътибор беринг: улар танангизнинг қаерида? Хис қилиб аниқланг. Эсингизда тутинг! Ҳаёлингизга келган нарсалар, кўпинча, тўсиқлар эмас **айни ҳақиқат бўлиб туюлади**. Лекин сиз шу



ҳаёлингизга келган сабабларни яхшилаб ўйлаб кўришингиз керак, улар ҳақиқийми ёки йўқ нарсаларга асосланган, ташқаридан кириб келган, чекловчи ишончларми?

Ичингиздаги тўсиқларингизни аниқлаб олдингизми?

Энди эса уларни бир қоғозга ёзинг ҳаёлингиздан кўтарилиб кетмасин. Улар ҳаётингизга қандай салбий таъсир кўрсатган? Улар ҳозир сизга қандай таъсир кўрсатмоқда? Агар уларга қулоқ солиб, уларни ҳақиқат деб билсангиз нима натижаларга олиб келади?

Улар сизга ташқаридан кириб келган ишончлар эканини билапсизми? Улар сизнинг ўзлигингиз ва сизнинг бир қисмингиз эмаслигини сезяпсизми?

Сизнинг ўзингиз билан алоқаси йўқлигини билапсизми?

Ўзингизга аҳд қилиб ваъда беринг: Бу фикрлар меники эмас! Шу сониядан бошлаб мен уларга



қулоқ солмайман! Мен бошқача йўлни танлайман!
Мен ўзимга фойдали ишончларга ишонаман ва
мақсадимга эришаман!

Машқимиз сизга ёқдими? Ўзингиздаги баъзи чекловчи ишончларни топгандурсиз. Бундан буён сиз, муваффақиятдан тўсиб турувчи ҳар қандай вазиятда, бу машқни ишлатишингиз мумкин.

КИТОБДАН ХУЛОСА:

- Худди ташқи дунёси каби, инсоннинг ички дунёси ҳам мавжуд экан. Унинг ички дунёси ташқи натижаларга сабаб бўлар экан.
- Унинг ички дунёси ҳаёти давомида шаклланган Ички Дастурдан иборат. Унинг ички дастури **Ишончларга** асосланган.
- Ишончлар **Фойдали** ёки **Чекловчи** бўлади.



Чекловчи ишончларни йўқ қилиб, фойдали ишончларни кўпайтириб, кучайтириш керак.

- Инсоннинг Ички Дастурида психологик тўсиқлар бор. Ана шу тўсиқлар муваффақиятга тўғаноқ бўлади. Уларни йўқ қилиш учун турли хил йўллар ва усуллар мавжуд.

Китобимиз нихоясига етди, каналимизга обуна бўлиб бу билимларни бошқалар билан ҳам бахам кўринг, улар ҳам фойдалансин. Каналимизни кузатиб боринг, шунга ўхшаган кўплаб билимларга эга бўлинг. Семинар ва Тренингларимизда қатнашинг.

Сиз НЕГА БОЙ БЎЛИШДАН ҚОЧАСИЗ?



t.me/biznesklass

Сизга КўПдан КўП
Зафар ва Муваффақиятлар тилаймиз!



BUSINESS CLASS

Maruf Madiyarov

Каналимизга қўшилинг:



<https://telegram.me/joinchat/AAAAAFMyHHD>

[8lyhL56-tcg](https://telegram.me/joinchat/AAAAAFMyHHD)

Admin: [@Maruf_OK](https://telegram.me/Maruf_OK)